



FARG‘ONA VILOYATI DANG‘ARA TUMANI HOKIMINING QARORI

2021 - yil 30 - dekabr

200-11-155-Q/21

Dang‘ara tuman hokimligi

Данғара туманидаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдорини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2011 йил 4 апрелдаги 101-сон қарори билан тасдиқланган низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан.

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Данғара тумандаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдори иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман ҳокими ўринбосари М.Холмирзаев, Ободонлаштириш бошқармаси (М.Азизова)ларга:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда қабристонларни зарур даражада сақлаш ва ободонлаштириш ҳамда ҳашарлар, хотирлаш кунлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш;

санитария қоидалари ва меъёрларига қатъиян риоя этган ҳолда қабристонларни очиш ва ёпишда қонунийликни таъминласин, қабристонлар ташкил этиш учун ер участкаси ажратишни “Ер тўғрисида”ги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилсин.

3. Туман Ободонлаштириш бошқармаси (М.Азизова)га:

хизматлар учун қатъиян белгиланган тарифлар бўйича ҳисоб-китоб қилган ҳолда фуқароларнинг қабристонда кўрсатиладиган хизматларга доир

буюртмаларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини;

кабристонларда бюстлар, ҳайкалтарошлик ёдгорликлари ёки алоҳида архитектура шаклига эга бўлган иншоотларни ўрнатиш, объектларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор “Данғара” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари М.Холмирзаев зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



Ш.Тожиҳакимов

Данғара туман ҳокимининг
2021 йил 30 декабрдаги
200-11-155-Q/21-сон қарорига
1-илова

Данғара туманидаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича

ТАРИФЛАР МИҚДОРИ

Т\р	Хизмат тури	Ўлчов бирлиги	Энг кам ойлик иш ҳақиға нисбатан (фоиз ҳисобида)
1.	Қабр учун (диний мансублигидан қатий назар катта ўлчамда)	1 ўринга	50%
2.	Тегишли диний конфессия қабристонида вафот этган яқинлари ва қариндошларини дафн этиш учун участка олиш	1 ўринга	50%
3.	Қабр учун (диний мансублигидан қатий назар кичик ўлчамда)	1 ўринга	40%
4.	Қабр учун (диний мансублигидан қатий назар 3ёшгача)	1 ўринга	бепул
5.	Маросим хизматларидан фойдаланиш	1 кунга	бепул
6.	Қабрга ва қабр усти ёдгорликларига қараш учун қабристон анжомларидан фойдаланиш	1 ўрин/кунга	бепул

Изоҳ: Данғара тумандаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдори энг кам ойлик иш ҳақи ортишига мутаносиб равишда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича таърифлар миқдори ҳам ортади.

Данғара туман ҳокимининг
2021 йил 30 декабрдаги
200-11-155-Q/21-сон қарорига
2-илова

Данғара туманидаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича

ТАРИФЛАР МИҚДОРИ

Т\р	Хизмат тури	Ўлчов бирлиги	Энг кам ойлик иш ҳақиға нисбатан (фоиз ҳисобида)
1.	Қабр учун (диний мансублигидан қатий назар катта ўлчамда)	1 ўринга	50%
2.	Тегишли диний конфессия қабристониди вафот этган яқинлари ва қариндошларини дафн этиш учун участка олиш	1 ўринга	50%
3.	Қабр учун (диний мансублигидан қатий назар кичик ўлчамда)	1 ўринга	40%
4.	Қабр учун (диний мансублигидан қатий назар 3ёшгача)	1 ўринга	бепул
5.	Маросим хизматларидан фойдаланиш	1 кунга	бепул
6.	Қабрга ва қабр усти ёдгорликларига қараш учун қабристон анжомларидан фойдаланиш	1 ўрин/кунга	бепул

Изоҳ: Данғара тумандаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдори энг кам ойлик иш ҳақи ортишига мутаносиб равишда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича таърифлар миқдори ҳам ортади.